

УДК 351.773.135

**И.А. Иминов — Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти, “Интенсив сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари кафедраси ўқитувчиси
Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии,
Андижан, Узбекистан.**

**Р.Т. Юлдашев — Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти, “Интенсив сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари кафедраси ўқитувчиси
Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии,
Андижан, Узбекистан.**

**Б.Р. Маъмиржонов— Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти, “Интенсив сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари кафедраси “Мевачилик”
ихтисослиги докторанти
Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии,
Андижан, Узбекистан.**

МЕВА ДАРАХТЛАРИНИНГ СПУР НАВЛАРИ ВА УЛАРНИ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ

Аннотация

Ушбу мақолада мева экинларини спур навлари, уларнинг вужудга келиши ва ривожланш тарихи, Республикамиз ҳудудларда тарқалши, уларининг аҳамияти ҳамда маҳаллий навлар спурларини олиш истиқболлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Мева; резавор мева; нав; спур; спур нав; иссиқ тўлқин; совуқ тўлқин; куртаклар; адвентив куртаклар; мутация; спдаиплар.

Аннотация

В статье рассматриваются спуровых сорта плодовых культур, история их формирования и развития, распространение в регионах республики, их значение и перспективы получения местных спуров.

Ключевые слова: фрукты; ягодные фрукты; навигация; шпора; шпора навигатора; горячая волна; холодная волна; бутоны; адвентивные бутоны; мутация; spdaiplar.

Annotation

The article examines spur varieties of fruit crops, the history of their formation and development, distribution in the regions of the republic, their significance and prospects for obtaining local spurs.

Keywords: *Fruit; berry fruit; nav; spur; spur nav; hot wave; cold wave; buds; adventive buds; mutation; spdaiplar.*

Мева экинлри спур навлари — бу уларнинг дастлабкисидан кескин фарк қилувчи янги типдаги ўсимликлардир. Ҳозирги пайтда мева экинларидан олма, гилос, шафтоли ва грек ёнғоқларининг спур навлари яратилган бўлиб буларни ичида олманинг спурлари энг биринчи аниқланган ва кўп тарқалгандир. Спур ибораси французча сўз бўлиб **пих** деган маънони англатади. Гап шундаки спур навлар дастлабкисидан кучсиз ўсиши, ўзида қисқа ўсувчи пихсимон, ҳалқали ва бошқа ҳосил новдаларни кўплаб шаклантириши ва шох-шаббаларини ихчамлиги билан кескин фарқ қилади. Ирсий жиҳатдан “спур” ҳодисаси мева ўсимликлари новдаларидаги куртакларнинг мутацияга учраши натижасида вужудга келган. Мева ўсимликлари навларининг бу хусусияти биринчи бўлиб АҚШда 1915 йилда Олманинг Делишес навида табиий мутацияга учраганлиги аниқланган ва 1927 йилда бу мутант нав Ричард Делишеси деб номланган. Бундан ташқари 1920 йили шу ерда Делишес навининг ихчам шох-шаббали, паст бўйли – кучсиз ўсувчи, спурлари аниқланди ва уни Оконома Делишес деб номланди. 1921 йили Старкинг Делтшес спур нави яратилди, шундай қилиб 1950 йилларга келиб Делишес ва Старкинг навларининг 20 та спурлари яратилди. Ана шундан кейин бир қатор давлатлар олимлари ихчам шох-шаббали пакана бўйли спур типдаги шаклларни аниқлашади масалан: Австралияда Грэнни Смит, Англияда Кокс, Пепин Ореэндж, Канадада Мекинтош навларининг спур шакллари ёки типлари аниқланди.

Олимлар ва етакчи мутахассислар фикрларига кўра мева экинлари новдаларида куртаклар табиий мутациясини фавқулотда намоён бўлиши ҳодисасини кўп ҳолларда қишки ҳароратни ўта илиқ (“иссиқ тўлқин”) ёки ўта совуқ (“совуқ тўлқин”) келиши сабабли вужудга келган бўлиши мумкин деб ҳисоблашади. Шунингдек, қишки совуқдан зарарланган дарахт тупларини кучли кесиш ёки каллаклаш натижасида адвентив куртаклардан кўплаб янги ёш новдалар чиқишига рағбатлантирилади, айнан мана шу новдалар ва уларда шакланадиган куртаклар, одатдаги нормал шароитда ҳосил бўлган новда ва ундаги куртакларга нисбатан мутацияга йўлиқишга мойил бўлиши мумкин деб ҳисоблашади. Бироқ куртаклар мутациясини фавқулотда намоён

бўлиши ҳодисаси юзасидан бир хил фикрлар йўқ ва бу ҳодиса ҳали тўлиқ илмий аосланмаган.

Ҳозирги пайтда мева экинларини табиий куртаклари мутациясини танлаб олишдан ташқари, сунъий куртаклар мутациясини содир этиш тартиби ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, бунда ҳар-хил кимёвий мутаген агентлардан фойдаланилади. Мутаген агентлар сифатида колхицин, этиламин метасульфатэтил, диэтилсульфанатэтил, диэтилсульфат каби кимёвий моддалардан кенг фойдаланилади. Булардан ташқари, куртак ва новдаларни ёки бутун бошли дарахт тупига гамма ва рентген нурлари, иссиқлик нейтронлари таъсир эттириш билан мутацияга учратиш йўли билан кўзланган мақсадга эришилмоқда. Мақсадга эришиш учун ретердантлардан ҳам фойдаланилмоқда.

20-асрнинг ўрталарида кўплаб олимлар томонидан сунъий мутация йўли билан паст бўйли ихчам шох-шаббали куртаклар мутациясига учраган асосий ва истиқболли спур навлар яратишга ҳаракатлар қилинган. Узоқ изланишлардан сўнг Канадалик олимлар гилос бўйича олиб борилган ишлари юзасидан йирик муваффақиятларга эришишади, 1965 йилга келиб К. Лэпинз олма устида олиб борилган изланишлари натижасида Со радиактив элементи манбаидан нурлантириш эвазига ихчам шох-шаббали Мекинтош навини яратади. Бу нав баландлиги, дастлабки стандарт навдан $2\frac{1}{3}$ қисмга паст эканлиги ва куртакларининг жойланиши уч баробар ихчамроқ эканлиги билан ажралиб турган. Голландялик олим Т. Виссер олиб борган изланишлари натижасида олманинг Боскоп гўзали (Боскопская красавица) навини чиқаршга муваффақ бўлади, бу нав дастлабкисидан муҳим белгиларининг устунлиги — яъни тупининг хчам ўсиши, меваларининг ёрқин, ажойиб ранглилиги билан ажралиб турсада, бироқ дастлабки навда мавжуд бўлган пўстининг пўкакли тўрланиши каби белгиларини сақланиб қолган.

Шунингдек Англияда А. Кемпбелл, Польшада С.Загайя томонидан мутант навлар яратиш борасида ўтқазилган олма новдаларини ионловчи радиация билан ишланган тадиқотларида диққатга сазовор натижаларни кўлга киритилган. Берилган хабарларда айтилишича гамма мутацияга индукцияланган олманинг Сарик Кокс (Киокс Оранж) ва Брамлей Сидлинг спур навлари олинаган бўлиб, улар ҳам ўзларининг кучсиз ўсувчанлиги ва бошқа ижобий ишлаб чиқариш белгиларига эга эканлиги билан ажралиб турарди. Бошқа кўплаб тадиқотлар (191, 199, 208, 2137) кўрсатишича дурагайлаш йўли билан ҳам спдаиплар олиш мумкин экан. Собик Югославияда Zcrfiudska Bana/iaxJa/pesGaLve навларини бир-бири билан дурагайлаш йўли билан спур типдаги -PrjoНи v DefrcWL нави олинган/s /537.

Кримдаги мевачилик тажриба станциясида А.Г. Усов Уайнсеп навини Мелба нави билан дурагайлаш бўйича олиб борган тадқиқотлари натижасида Садгарское, К-2606 спур навлари яратилди ва Россия Ўсимликшунослик илмий тадқиқот Институти коллекциясга Россияда яратилган спур нав сифатида киритилган.[597]. Орлов худуд мева-резвор мева ўсимликлари тажриба станциясида С.П. Кедрин Олманинг Жигулевский навининг 129 та мутант клонлари орасидан кўчатзордаёқ ўсиш кучи сустлиги, бўғим оралари қисқа эканлиги билан ажралиб турадиган, ҳосилга кирган туплари паст бўйли, хўжалик белгилари бўйича ишлаб чиқарувчилар талабларига жавоб бера оладиган, қишга чидамлилиги бўйича дастлабки Жигулевский навидан фарқ қилмайдиган, тез ҳосилга кирадиган кўплаб клонларини танлаб олган. Шимолий Кавказ Мевачилик ва узумчилик илмий тадқиқот институти селекционери С.Н. Артюх Кубан нави дарахти тупларининг ўсиш кучи чегараланган “спур” типидagi нав клонларини купайтиришга муваффақ бўлганлиги ҳақида хабар берган.[129]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Под ред. Е. Н. Седова, Т. П. Огольцовой Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур. Орел Издательство ВНИИСПК
2. Рибоков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Т., «Ўқитувчи», 1984.
3. Музаффаров Адил Ахмадбекович, Асронов Эргашали Каримбердиевич, & Зайнобиддинов Мухаммад Захириддин Толибжонур. Ли (2020). Маккажухори урубининг унувчанлигига хиназолон -4 ҳосилалари таъсирини урганиш. Life Sciences and Agriculture, (2-2), 57-59.
4. Зайнобиддинов, М. З. Т. (2020). Естественная сушка винограда и расчет выхода продукта. Экономика и социум, (7), 177-181.

Internet saytlari

1. <http://www.bfpais.ru> Plodovodstvo i vinogradarstvo – spetsialnost, ob'edinyayuhaya problemy, svyazannye s proizvodstvom produktsii plodovodstva i vinogradarstva
2. www.lnau.lg.ua/ssien_r9.htm Plodovodstvo i sadovodstvo. Issledovaniya otnosyatsya k oblasti plodovodstva i sadovodstvu
3. <http://www.SNSHB.ru> Plodovodstvo Uzbekistana
4. <http://uzbekistan.uzpak.uz/F53.html> Saды Uzbekistana.